Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 235 (6. 426) 1987 йил 16 октябрь, жума Баҳоси 3 тийин

1917 1987

Эртага—Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик

ҲАММА—МЕҲНАТ БАЙРАМИГА!

«ДАСТГОҲЛАР ЁНИДА, ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ ИШЛАЙМИЗ, ПАХТАЗОРЛАРГА ЧИҚИБ, «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТАМИЗ!»—ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ АЗМУ ҚАРОРИ АНА ШУНДАЙ

ЛЕНИН РАЙОНИ

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида 100 минг киши иштирок этишга азму қарор қилди. Шундан 15 минг нафари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларга пахта, мева ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олишда кўмаклашадилар.

Районнинг етакчи корхоналаридан бири — Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи коммунистик шанбаликлар ўтказишнинг карвонбошиси бўлиб келган. Урта Осиё темирйўли устахоналари ўрнида қад кўтарган бу корхона коллективи Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига «лаббай» деб жавоб берган.

Эртага ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига ҳам корхонада қизғин тайёргарлик кўрилди. Улуғ Октябрнинг, шонли 70 йиллигига бағишланган бу шанбаликни ўтказиш штаби ҳар куни цех бошлиқлари, партия ташкилотларининг секретарлари, етакчи мутахассислар билан гавжум бўлди. Уларнинг мақсади битта: коллектив хоҳиш-иродасини ифодалаб, коммунистик шанбалик кунини яқдиллик билан ўтказиш, уни ҳақиқий меҳнат байрамига айлантиришдир!

Бир гуруҳ ишчи-хизматчилар шанбалик кунини пахтазорларда нишонлашга аҳд қилдилар. Эртага 40 нафар ишчи-хизматчи пойтахт области районлари ва хўжаликларига чиқиб, «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан мададкор бўладилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Эртага бўладиган коммунистик шанбаликка пойтахт корхоналарининг меҳнаткашлари билан бирга ижодий союзлар, ташкилотларнинг ходимлари ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Республикамизнинг энг катта нашриётларидан бири — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходимлари ҳам ана шу меҳнат байрамига ўзларининг муносиб улушларини қўшиш учун яхши ҳозирлик кўришди. **Шанбалик кунн, шуниигдек якшанба кунн нашрнётнинг 30 нафар ижодий ходимн пойтахт область пахтазорларида «оқ олтин» ҳосилнни йиғиб-териб олишдек хайрли ишга ҳисса қўшиш учун камарбаста бўлиб майдонга чиқди.**

Шанбалик куни нашриётнинг 80 нафар ходими барча қатори ўз иш жойларида бўлади. Шу куни 10 босма лист қўлёзма таҳрир қилинади. 20 босма лист ҳажмидаги китоблар корректураси ўқилиб, топширилади. Нашриёт машинистқалари эса тўрт босма лист қўлёзмани нашрга тайёрлашади. Бу қўлёзмалар ичида Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланган қатор китоблар бор.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Қурувчилар коммунистик шанбалик кунида зарбдор меҳнат қилиш режаларини тузиб қўйдилар. Эртага 7,8 минг киши бевосита қурилиш объектларида меҳнат қилишади. Улар томонидан 227 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Райондаги саноат корхоналари, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг вакиллари миллий ифтихоримиз «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда фаол иштирок этишмоқда. **Ҳозир район меҳнаткашларидан бир ярим минг киши Сирдарё областининг Ильич, Комсомол районлари, Тошкент областининг Пискент ва Урта Чирчиқ, Коммунистик районн пахтакорларига ҳосилни йиғиб олишда кўмаклашмоқда.**

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

«Таштекстильмаш» заводининг ишчи ва хизматчилари меҳнат байрамини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриб қўйишди. Эртага 3 минг 500 дан зиёд ишчи ва хизматчи ўз иш жойига етиб келади. Ҳар бир ишчи ва ходим самарали меҳнат қилади. Дастгоҳларнинг олдига хом ашё, деталлар келтирилган. Дастгоҳларнинг барча механизмлари кўрикдан ўтказилиб, созлаб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси зарбдор ва унумли меҳнат қилишга омил бўлади.

Шу куни 160 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. 6 минг сўмлик маблағ ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Корхонанинг ишчи ва хизматчилари республикамиз далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишда ҳам актив иштирок этишмоқда. **Ҳозир заводнинг 250 ишчиси Жиззах областининг Мирзачўл районн ва Тошкент областининг Оққўрғон районидаги хўжаликларда пахта йиғим-теримида қатнашишмоқда. Шанбалик куни уларнинг сафига яна 250 киши қўшилади.**

КИРОВ РАЙОНИ

«Шанбалик кунини пахта далаларида ўтказамиз», шиорига қўшилган район меҳнаткашлари шу куни оталиқдаги колхоз ва совхоз пахтазорларига йўл олишади. 20 минг кишидан иборат бўлган бу кўнгиллилар сафида ветеранлар, меҳнат илғорлари, қурилиш жонкуярлари ва маданият ходимларини учратиш мумкин.

Шанбалик куни район корхоналари ва қурилиш ташкилотлари юксак унум билан ишлаб аълo сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Райондаги йирик корхоналардан «Узбексельмаш», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари ҳам шанбалик фондига ўзларининг муносиб улушларини қўшишади.

Бу умумхалқ ҳашаридан район ободонлаштирувчилари ҳам четда қолишмайди. Улар кўча ва хиёбонларни, ирригация шохобчаларини тартибга келтиришади. Юнусобод массивидаги кўпгина кўча ва йўлкалар қайта асфальтланади. Шу куни Аҳмад Дониш кўчасида янги болалар магазини харидорларга ўз эшикларини очди.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Мамлакатимиз илғор корхоналари коллективларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини Собир Раҳимов район меҳнаткашлари биринчилар қатори қўллаб-қувватлашган эди. Район корхоналари, муассасаларида ана шу кунга қизғин тайёргарлик кўрилди. Шанбаликда юз мингдан ортиқ киши қатнашади. **Дастлабки маълумотларга қараганда 1 миллион 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қурилиш объектларида эса 190 минг сўмлик иш бажарилади. Шу кунн 2 мингдан зиёд кишн пахтазорларда меҳнат қиладн.**

ҲАМЗА РАЙОНИ

Маълумки, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига коммунистик шанбаликнинг ташаббускорларидан бири бўлиб майдонга отилиб чиққан эди. Бу ватанпарварлик ташаббусини Ҳамза районидаги кўплаб корхоналар якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Коммунистик меҳнат байрами куни «Ташсельмаш» заводи, 1 ва 2-уйсоэлик комбинатлари, 2-дон нон маҳсулотлари комбинати, упа-элик фабрикаси, 2-таксопарк коллективлари энг юқори кўрсаткичга эришишга аҳд қилганлар.

Куни-кеча ана шу шанбаликни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан район партия комитетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, штаб бошлиқлари иштирок этдилар. Аниқ программа қабул қилинди. Шу куни саноат корхоналарида 3 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилса, қурилиш объектларида 480 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Бундан ташқари район меҳнаткашлари қалб амрига кўра Тошкент областининг Коммунистик районн пахтакорлари қошига отланадилар. Қарийб 2000 га яқин ҳашарчи район пахта хирмонини уюшга ёрдамлашадилар.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Кўтаринки кайфият билан

Шароф Сандхўжаев коммунистик шанбалик кунида алоҳида иштиёқ, зўр ғайрат-шижоат билан ишлашни дилига тугиб қўйган эди. Бунинг сабаби шундаки, у корхонада пешқадам ишчигина эмас, балки актив жамоатчи ҳам ҳисобланади. Маълумки, бундай кишилар ўт юракли, серҳаракат, кўпчилик иши учун жон куйдирадиган бўлишади. Ш. Сандхўжаев корхонада кўнгилли халқ дружинаси, комсомол ишлари ва бошқа жамоат ишларида актив фаоллик кўрсатиб келмоқда. Комсомол-ёшлар унинг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, хушмуомалалиги учун ҳурмат қилишади.

Шанбаликда Чилонзор район Советининг депутати, «Главташкентстрой»нинг ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-автотранспорт корхонаси автослесари Шароф Сандхўжаев ягона мақсадни кўзлаб ишламоқда: бугун бутун корхона коллективининг ўн ойлик топшириқни бажариш шиори остидаги меҳнат жабҳасига ўз ҳиссасини қўшмоқда! Меҳнат байрами кунида корхонанинг ҳар бир автослесари иккитадан машинани ремонтдан чиқариш, ҳар бир ҳайдовчи эса 30—40 тоннадан турли қурилиш материалларини қурилиш майдонларига етказиб бериш учун курашмоқда.

Моҳир автослесарь ишлаётган корхонада 380 та машинада ранг-баранг қурилиш материаллари шаҳримизнинг беш йиллик қурилишларига етказиб берилмоқда. Бунда машиналарнинг доимо созланган бўлиши катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам комсомол аъзоси, пешқадам автослесарь ўз ҳамкасблари қаторн бу машиналарнинг доимо йўлларда равон юриши учун астойдил жон куйдиради. Бугун улар ўн ойлик план-топшириқни уддалар экаплар, бу уларнинг энг аввало меҳнат байрами— Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига ва Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигига муносиб совғаларидир. Юбилейга эса уларнинг дилларида янги режалар уйғонмоқда...

СУРАТДА: Ш. Сандхўжаев.

М. Нуриддинов фотоси.



БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



⊙ Шаҳримизнинг энг кекса онахони Кимсаной ая Содиқова даъватига «лаббай» деб жавоб берган пойтахтлик ҳашарчилар оталиқдаги Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: тошкентлик ҳашарчилар пахта далаларида.

Ветеранлар шанбаликни пахта даласида ўтказадилар

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жалил РОЗИҚОВ:

— Биз, «Средазкабель» бирлашмасининг ветеранлари ёшлигимизда ҳам пахтакорларга ёрдам берганмиз, Пахта етиштириш ва уни териб олиш нақадар оғир меҳнат эканини яхши биламиз. Бу ишни эртага қолдириб бўлмайди. Ёғин-сочин бошланиб, совуқ тушгунга қадар пахтани йиғиштириб олиш керак. Нобудгарчиликка асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Шу кунларда бутун республика пахтакорларга ёрдам бермоқда. Хоҳ қишлоқда, хоҳ шаҳарда бўлсин, теримга яроқли ҳар бир киши ҳисобда.

Мен пенсияда бўлсамда, ўзимизнинг оғир цехга кабеллари цехимизда ишлашни давом эттиряпман. Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг аъзоларидан кўпгина тенгдошларим ҳам меҳнат қилишмоқда.

Ветеранлар кенгаши бўлажак коммунистик шанбалик кунида ёшларга ўрнак кўрсатишга қарор қилди. Катта ишдан четда турмоқчи эмасмиз. Одатда биз шундай кунларда ишчи поселкаси территориясини супуриб-сидиришда қатнашардик. Лекин бу сафар иш бошқача бўлади: пахта далаларига чиқамиз ва бошқаларни ҳам шунга даъват этамиз.

Бу эса ҳосилни қутқариб қолиш умумхалқ ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

(ЎзТАГ).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Район бўйича ҳаммаси бўлиб 100 мингдан зиёд кишининг меҳнат байрамида иштирок этиши кутилмоқда. Шундан 13 минг киши, шу жумладан 6 минг киши саноат корхоналарида, 5 минг киши транспортда, 2 минг киши қурилиш майдонларида меҳнат қилади. Шанбалик куни 220 минг сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан 110 минг сўмлик халқ истеъмоли молларн тайёрланиши, 75 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши мўлжалланмоқда. 30 минг сўмдан зиёд маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Акмал Икромов районининг минглаб ҳашарчилари шанба ва якшанба кунлари республика хирмонига муносиб ҳисса қўшиш ниятида пахта далаларига чиқиб борадилар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

Шанба куни бажарилиши лозим бўлган барча юмушларнинг режалари аниқ тузиб чиқилган. Дастлабки маълумотларга қараганда район бўйича 59 минг киши коммунистик шанбаликда якдиллик билан қатнашади. Корхоналарда 716 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 152 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Район аҳолиси шу куни ишлаб топиладиган бир неча минг сўм пулни ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилган.

Шанбалик яна бир фазилати билан қизғин ўтади. У ҳам бўлса пойтахт яқинидаги Янгийўл районининг «Ленинизм» ва «СССР 60 йиллиги» колхозлари пахтакорларига яқиндан ёрдам беришдир. Бунинг учун кўплаб ҳашарчилар шанба ва якшанба кунлари ана шу хўжаликларнинг далаларида «оқ олтин» терадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Шу куни барча саноат корхоналарида жами 300 минг сўмлик товар-маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Қурилиш майдонларида 600 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажариладн. Шанбаликда жами 132 минг киши иштирок этади. Шу жумладан, саноатда 12 минг киши, қурилишда эса 16 минг киши ўз иш жойларида меҳнат қилади.

Шунинси характерлиқи, меҳнат байрамн кунн районнинг юзлаб ишчи-хизматчиларн пахтакорлар қошига отланадилар. Улар шанбаликда Тошкент области деҳқонларига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда кўмаклашадилар.

Тошкент область партия комитетининг

14 октябрь куни бўлиб ўтган бюро мажлиси тўғрисидаги ҳисобот бугун область газеталарида эълон қилинган.

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

«Пахта бизнинг нонимиз, шонимиздир. Деҳқонларимиз уни пешона тери, қалб қўри билан кечани-кеча, кундузни-кундуз демай етиштирган» — дейди 78 ёшли Эътиборхон ая,— Пахтанинг бир чаноғини ҳам увол қилмаслигимиз керак.

Бизнинг «Маданият» маҳалламиз Ҳабибулло Аҳмедов бошчилигидаги пенсионер отахонлар, онахонлар ва кўп болали аёллари Янгийўл районн «СССР 60 йиллиги» номли колхозининг 11-бригадасига ҳашарга бордилар. 6-кутубхонанинг «Гулшан» хотин-қизлар клуби ҳашарни уюштиришда ташаббускор бўлди.

82 ёшли Мажидхон ота, 76 ёшли Ҳабибулло ота, 68 ёшли Ҳидоятулла ота, 62 ёшли Абдураҳмон ота, 78 ёшли Эътиборхон ая, 75 ёшли Рокияхон ая, 68 ёшли Манзурахон, Марямхон, Фотимахон, Раҳимахон, Тожихон, Тоҳирахон, Роҳатхон, Мунаввархон, Робияхон, Нафисахон, Умрихон аялар, кўп болали аёллардан Марямхон, Ҳалимахон, Бахрихон, Рихсихон, Манзурахон, Муҳаббатхон, Захирахон, Ўлмасхон каби ҳашарчиларимиз яхши кайфият билан пахтазорга йўл олдилар. Уларни 11-бригада бошлиғи Маҳаммаджон Валиев очиқ чеҳра билан кутиб олди. Яхши кайфият билан қилинган иш самарали бўлди. Шу куни ҳашарчилар давлат хирмонига 836 килограмм «оқ олтин» тўкдилар.

М. ФОЗИЛОВА.

ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Кремлда А. А. Громико раислигида қрим татар граждалари мурожаатларида ўртага қўйилаётган масалаларни кўриб чиқувчи давлат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия татар жамоатчилиги группасининг ҳамда қрим татарларининг асосий кўпчилиги яшаётган иттифоқдош республикалар ва областларга бориб келган давлат комиссияси вакилларининг ахборотларини кўриб чиқди. Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини, совет халқларининг дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ўртага қўйилган масалаларга вазминлик билан ёндошиш зарурлиги тўғрисидаги хулосалар маъқулланди.

Мажлисда Россия Федерацияси, Украина ва Ўзбекистон территорияларида қрим татарларининг турмуш ва меҳнат шароитлари, уларнинг социал-маиший эҳтиёжларини қондириш, миллий тилини, маориф ва маданиятини ривожлантиришда уларга ёрдам бериш тўғрисида В. И. Воротников, В. В. Шчербицкий ва И. Б. Усмонхўжаев ахборотлари тингланди. Шу муносабат билан иттифоқ, республика ва маҳаллий органларга қрим татарлари маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, татар тилида адабиёт, шу жумладан замонавий миллий авторлар асарларини босиб чиқаришни кенгайтириш, зарур бўлган жойларда янги газеталар ташкил этиш, радио ва телеэшиттиришлар вақтини кўпайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш тавсия этилди. Татар бадиий ҳунармандчилигини, театр-концерт коллективларини ривожлантириш йўллари белгиланди. Қримнинг, у ерда яшовчи элатлари ўтмиши ва ҳозирги турмушини, уларнинг мамлакат тараққиётининг турли босқичларида социалистик қурилишдаги иштирокини ёритишни анча яхшилаш, шу масалаларга онд барча мавжуд ҳужжатларни пухта ўрганиш истаги билдирилди.

Комиссия Қрим областида юз берган татар миллати гражданларининг яшаш, ўқиш ва иш жойларини танлашида уларнинг ҳуқуқлари бузилиши айрим фактларини таҳлил қилди ва уларни йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб топди. Шу билан бирга Қрим ва мамлакатнинг бошқа курорт районлари миллионлаб меҳнаткашларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун жуда катта умумиттифоқ аҳамиятига молик эканлигини ҳисобга олиб, мамлакатнинг ана шу районларида барча миллат гражданлари яшаши ва прописка қилиниши тартибини йўлга солувчи қонун қоидаларини янада пухта белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда комиссия адресига қрим татарлари орасидаги экстремистик кайфиятдаги шахсларнинг кескинликни қучайтиришга, жамиятга қарши ҳаракат қилишга, гиж-гижлашга, миллатлар орасига нифоқ солишга қаратилган фаолиятига барҳам бериш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилувчи ўн мингга яқин хат келганлиги маълум қилинди. Шу муносабат билан қрим татар экстремистларининг 1987 йил 23 июлдаги ТАСС баёнотида келтирилган маълумотларни рад этишга, ўз халқининг сотқинлари — қрим-татар миллатчиларини оқлашга, уларни фашизмга қарши жанг қилган ҳалол совет ватанпарвар-татарлар билан бир қаторга қўйишга уринишлари ўринсиз эканлиги уқтирилди. Бу уринишларнинг қрим татарлари орзу-умидлари билан ҳеч бир алоқаси йўқ, улар давлат органлари ишига халақит бермоқда. Совет Конституциясининг ҳар қандай миллий мумтозликни, душманлик ва менсимасликни тарғиб қилишни тақиқловчи талабларига зиддир.

Жойлардаги партия ва совет органлари меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллатлараро алоқалар маданиятини ошириш масалаларига эътиборни кучайтирадилар, барча миллатлар ва элатларнинг янада жипслашувини таъминлайдилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Комиссия маҳаллий партия ва давлат органлари, кенг совет жамоатчилиги билан қалин ҳамкорликда ана шу йўналишда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

БУНЁДКОРЛАР АҲДИ

Икки мингинчи йилгача пойтахтимиз аҳолисини алоҳида уй-жой билан таъминлашда 2-уйсозлик комбинати бинокорлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшишлари керак. Шунинг учун ҳам комбинат меҳнат аҳли беш йилликни, хусусан юбилей йили топшириқларини барвақт бажариш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилиб ишламоқда.

Мана, орадан тўққиз ой ўтди. Шу давр ичида бу ерда нималар қилинди-ю, нималар қолди? Юбилей йилини катта зафарлар йилига айлантириш учун аҳиллик ва уюшқоқлик билан ишлаётган бинокорлар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида кўпгина яхши ишлар қилинди. План ва мажбуриятлар барвақт бажариляпти. Қурилиш коллективларининг самарали, юксак унумли меҳнати КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Комбинатнинг номи СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари ВДНХ экспозициясининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Йил бошидаги мувaффақиятлар эвазига эса комбинат бинокорлари СҒСР Госстройининг мукофотига сазовор бўлишди.

Қурувчилар меҳнати прогрессив усулларда ташкил этилмоқда. Коллектив пудрати улар фаолиятига чуқур сингиб кетди. Ҳар бир коллективда меҳнатни ташкил этиш юзасидан ўзаро назоратни кучайтириш, пировард натижалар юқори бўлишини таъминлайдиган шарт-шароитлар вужудга келтирилган. Участка ва бригадаларда интизом, тартиб мустаҳкамланди.

Янги беш йилликда барча қурилиш майдонларида ишларни механизациялаш даражаси сезиларли даражада оширилди. Қўл меҳнатининг салмоғи қисқартирилди. Меҳнат характери ўзгариб бораётгани ишчилар психологиясига ҳам таъсир ўтказмоқда. Коллективларда аста-секин икки ва уч сменада ишлаш сари дадил қадамлар қўйиляпти. Бундай коллективлар кўпайиб қолди.

— Қурилиш ишларини илғор усулларда ташкил этиш учун астойдил курашиб, яқин келажакда кўпгина яхши ишларни қилишни мўлжаллаб турибмиз, — деди комбинат бошлиғи Б. Қ. Алиев.— Мамлакатимиздаги илғор қурилиш коллективларининг тажриба ва услублари асосида назоратни кучайтиришнинг чек шаклига ўтишга қизғин ҳозирлик кўряпмиз. Бунинг маъноси шуки, қурилиш билан боғлиқ ишларнинг деярли ҳаммаси ўзимизда, ўз кучимиз билан бажариладиган бўлади. Масалан ўзимиз қурадиган объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларини комбинатимиз мутахассисларининг ўзлари тайёрлашади. Шу мақсадда комбинат базасига лойиҳа-қурилиш бирлашмаси тузишга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Бу ишга «Главташкентстрой» розилик берса ва ўз ёрдамини кўрсатса, ишлар юришиб кетган бўларди.

Комбинатда шонли юбилей шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилаётгани ҳақидаги рапортлар тобора кўпайяпти. Аввало, ўтган бир ярим йил мобайнида меҳнат унумдорлиги планга қўшимча бир процент ўрнига —4,4 процент ўстирилди. Қўл меҳнатининг салмоғи 5,5 процент ўрнига 7,5 процент қисқартирилди. Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи ҳам камайтирилди.

Айниқса, уй-жойларни фойдаланишга топшириш соҳасидаги кўрсаткичлар яхшилаб борилмоқда. Уй-жойларни ишга тушириш 9 ойлик плани 116,6 процент адо этилди. Бош пудрат йўли билан бажарилган ишлар 107 процентни ташкил этди. Шундай қилиб, беш йилликнинг икки йили ҳажмидаги ишлар бажарилишига эришилди.

Комбинат коллективи юбилей йилида моддий ресурслари тежаш юзасидан ҳам мажбуриятлар олган эди. Цемент, ёғоч материаллар, электр ва иссиқлик энергияларини тежаш юзасидан берилган ваъда муваффақиятли бажарилди.

Беш йиллик машъалларнинг ғайрат ва ташаббуслари коллективлар зафарлари учун қанот бўлмоқда. Иван Мокшанов, Ислом Нишонов, Раҳим Ниёзов, Валентина Савельева, Михаил Пак, Валентина Козий, Александр Воробьев бошлиқ комплекс, монтажчилар, дурадгорлар, бўёқчилар бригадаларининг ишчилари юбилей олди социалистик мусобақасининг доимий пешқадамлари бўляптилар. Бу коллективларнинг Антонина Кобисова, Расима Пухова, Сервер Шерфетдинов, Рашида Ҳасанова, Ксения Новикова сингари машъалларининг ғайрат ва ташаббуслари билан ҳозиргача беш йилликнинг икки йили топширигъи ва юбилей йили планлари бажарилиши таъминланди.

— Муваффақиятларимизнинг барқарор бўлиши ва аниқ маромда ишлашимиз кўпроқ шерикларимиз фаолиятига боғлиқ, — дейди бизга комбинат бош инженери ўринбосари С. Шаиман. — Афсуски, бу масалада хурсанд бўладиган жиҳатлар кўп эмас.

Мутахассиснинг гапида жон бор. Кўпгина объектлар таъминотидаги узилишлар туфайли турли ҳолатда чала-чулпа ётибди. Қизил Шарқ массивида уй-жойлар қурилиши ниҳоятда секин боряпти. Сабаби, суюқ қоришма етарли берилмаётир. 8-темир-бетон буюмлари заводи цемент камлиги учун объектларга ниҳоятда оз қоришма юбораётир. Завод Оҳангарон цемент комбинати шеригчилик вазифасини пухта бажармаётганлиги учун азият чекмоқда.

Уй-жой қурилишини жадаллаштиришга халақит бераётган яна бир нарса бор, Комбинат қурувчилари асосан шаҳарнинг аҳоли зич районларида меҳнат қилишади. Эски маҳаллалар бузилиб, ўрнида кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. Аҳоли зич жойларда ишлашнинг қийинчилиги шундан иборатки, кўп ҳолларда жойлар вақтида бўшатиб берилмайди. Масалан, пойтахтнинг Генерал Петров, Циолковский кўчалари кесишган бурчакдаги эски маҳаллада 92 минг квадрат метрдан иборат 27 та кўп қаватли уй қурилиши керак. Шу ерда ташландиқ ҳолида нураб ётган эски ғишт заводи ҳам бор. Уларни бузиб, ерни бўшатиб олиш муаммоси бир неча йилдан буён ҳал этилмаяпти. Бу комбинат иши маромига таъсир этмай қолмаётир. Бундай мисоллар шаҳарда жуда кўп.

Қурилиш материаллари, уй-жой жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар, канализация, ваннахона, ошхона ускуналари ва жиҳозлари, электр приборлари каби материалларнинг сурункали етишмаслиги орқасида уйларни битказиб ишга тушириш муддатлари сурилиб келмоқда. Айниқса, 4-қурилиш бошқармаси бунёд этаётган уйларда ана шундай фактлар учрайди. Бошқармада таъминотчи шерикларнинг интизомсизлиги масалаларида куйинниб гапиришди.

Шунингдек, «Узглавдревпром», Тошкент «Металлоснаб» идораси қурилишларни материаллар билан вақтида таъминламаётганлиги планлар барбод бўлишига олиб келяпти.

Комбинат ихтиёридаги 2-йирик уйсозлик панеллари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатидан ҳам қурувчилар тўла ҳурсанд бўлаётганлари йўқ.

— Қурувчиларимиз шанбалик кунига ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда, — деди суҳбатимиз охирида Б. Қ. Алиев. — Шу комбинат ишчи ва хизматчиларининг асосий қисми ўз иш жойларида меҳнат қилиб, 40 минг сўмлик товар маҳсулоти, яъни 200 кубометр йиғма-темир бетон ишлаб чиқаришади. Ҳар қачонгидан кўп ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари адо этилади. Янги уй-жой массивларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ирригация тармоқларини очиш, тартибга келтириш, тозалаш бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажариш мўлжалланмоқда.

Ишлаб топилган маблағнинг 7750 сўмини ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

Илғор бригадалар ва машъаллар шу куни нормани 1,5—2 ҳиссадан бажариш, фақат юқори сифатли ишлаш даъватлари билан чиқдилар. 4-монтаж бошқармасининг Ниль Бойбеков ва 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг Шонаҳиддин Шаҳобиддинов бошлиқ бригадалари ишчиларининг шанбаликдан смена нормасини икки ҳисса ва ундан ҳам ошириб бажаришга пухта шайланиш юзасидан оташин даъватлари коллективларда қизғин қўллаб-қувватланди.

С. ЖЎРАЕВ.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Ўзгаришлар кифоя эмас

— Партия группаси ташкилотчилигига Орзухон сайланган эди, — деди биз билан суҳбатда Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. В. Федорова. — Бунинг сабаби унинг фақат самарали ишлаганида. Бригадасида ҳам, партия группасида ҳам юксак уюшқоқлик, иноқлик, ўзаро ёрдам муҳитини вужудга келтирди. Коллектив сўнгги йиллар ичида фақатгина цехда эмас, балки бирлашманинг пешқадамларидан бирига айланди. Тикувчиларнинг суратлари «Ҳурмат тахтаси»дан доимий жой олган.

Орзухон ўзининг билимини оширишга, мустаҳкамлашга ҳамиша интилади. Шу боисдан Тошкент тўқимачилик институтини битиргач, Тошкент марксизм-ленинизм университети филиалининг икки йиллик курсида таҳсил кўраяпти.

Партия группасига беш коммунист бирлашган. Уларнинг амалга оширган ишлари билан танишган киши га, ҳисобот даврида ўтган йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар юз берганини билиб олиши мушкул эмас. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари асосида иш усулби ва методларини қайта қуриш йўлларини изламоқдалар. Имкониятлар ишга солинди. Бундан бир-икки йил илгари цех конвейерларида фақатгина аёллар плашчлари тайёрланарди. Харидорларнинг тикувчилар номига қаратилган танқидий гаплари сўнгги пайтларда кўпайиб кетди. Коммунистлар маслаҳатлашиб, аҳолининг талаб ва истакларини мукаммал ўрганишга қарор қилишди. Натижада бунинг сабаблари очилди. Бир хил моделдаги кийим ишлаб чиқарилаверган, ҳар ким хотин-қизларнинг ўсиб бораётган бўюм танлашдаги дидини ҳисобга олмаган.

Ҳозир эса плашчлар ўрнига аёллар кўйлакларидан бир неча хиллари тикилади. Чеварлар билан сотувчилар, харидорлар ўртасида алоқа ўрнатилган. Улар омборларсиз ишлаш методига ўтишган. Маҳсулот тўғридан-тўғри магазинлар пештахталарига жўнатилади, қайси моделдаги кўйлаклар аёлларга маъқул келмаса, у конвейердан олиб ташланади. Иш сифати ҳамиша коммунистлар диққат марказида бўлади.

КПСС аъзолари меҳнат интизомига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор билан қараяптилар. Бригадага янги қабул қилинган комсомол тикувчилар ва М. Хўжаева ва А. Тўлагановаларнинг вақтдан унумли фойдаланмай, сменага кеч қолиш ҳоллари содир бўлди. Улар машинасидан ўтаётган кийимларда браклар кўпайиб кетди. Навбатдаги группа очиқ партия йиғилишида улар муҳокама этилди. Мажлис қарорига биноан икки КПСС аъзоси уларга бириктирилиб қўйилди. Орадан кўп ўтмай ҳамкасблар ўз ҳисоботида икки ёшда ҳам жиддий ўзгаришлар сезилганини таъкидлашди.

Бундан ташқари ҳар бир коммунист ўзига юкланган партиявий топшириқни сидқидилдан бажараяпти. Жумладан, дазмолловчи Ўғилой Каримовага маҳсулот сифатини назорат қилиш, тикувчи Назира Жўраевага мураббийлик қилиш, озодагарчилик, тежамкорлик ишларининг қай даражада эканини белгилаб бориш вазифаси топширилган эди. Ҳар иккиси ҳам жонкуярлик, активлик намуналарини намойиш этди. Шу боисдан цехнинг намунали иш жойи ҳамда тежамкор бригадаси деган номни олишга муяссар бўлишди. Кўпдан бери тикувчиларни транспорт масаласи қийнаб келарди. Партия группаси ташкилотчиси бу вазифани ҳал этишни ўз зиммасига олди. Астойдил қилинган ҳаракат ўз мевасини берди. Тез орада бригада ишчиларига автобус ажратилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия аъзолари ўз олдиларига янги вазифалар белгиладилар. Энг муҳими давлат қабулига ўтишга тайёргарлик кўриш, икки нафар жонкуяр, ташаббускор қизни партия аъзолигига тайёрлаш шулар жумласидандир. Ҳар бир ВЛКСМ аъзосига коммунистлар бириктириб қўйилди.

Активлик, ўз-ўзини танқид, демократия руҳи сезилиб турган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия аъзолари музокарада қизғин қатнашдилар. Ёш коммунист Назира Жўраева шу куни якдиллик билан партия группаси ташкилотчиси этиб сайланди. Партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этишда группа коммунистлари ўртасида у авангардлик ролини бажара олади, деб ишонч билдирилди.

М. ДАМИНОВ.



Шаҳримиздаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора қизитиб бормоқда. Корхона ишчилари ўртасида ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план топшириқларини аллақачон бажариб қўйган меҳнат илғорлари ҳам кўплаб топилади. Сиз ушбу суратда корхонанинг пешқадам слесарн, мусобақа илғори А. П. Фроловни кўриб турибсиз. У бир неча йиллардан бери корхонанинг кенг истеъмол буюмлари цехида самарали меҳнат қилиб келади.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

КПСС XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида экономикани тубдан қайта қуриш йўллари қатъий қилиб белгилаб берилди. «Жадаллаштириш, — дейиладн КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — аввало иқтисодий ўсиш суръатларини оширишдир. Аммо бугина эмас, жадаллаштиришнинг моҳияти ўсишнинг янги сифатида — фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашдан иборат».

Бу вазифаларни изчил амалга ошириш учун нурашаётган шаҳримиздаги ўнлаб саноат корхоналари қаторида «Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шина ремонти заводи ҳам бор. Уйнинг ишчилари енгил машина ва юк ташувчи автомобилларнинг шиналарини ремонт қилиш билан шуғулланадилар. Бир сўз билан айтганда корхонада ишдан чиққан шиналарга иккинчи марта ҳаёт бахш этиладн.

Заводда кейинги йилларда ишлаб чиқариш суръати, меҳнат унумдорлиги анча ўсди. Жадаллаштириш ва қайта қуриш программаси талабларини юзага чиқариш ишчилар, инженер-техник ходимларнинг асосий мақсадига айланди.

— Меҳнат коллективларида экономиканн тубдан қайта қуришда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, — дейди корхонанинг етакчи цехи бошлиғи Қаюм Йўлдошев биз билан суҳбатда. — Утган йили заводимизни қайта реконструкция қилиш планининг лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Орадан ўтган давр мобайнида силлиқлаш, қолипларни участкаларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу муҳим тадбирни амалга оширишда жараёнида ихтирочи ва рационализаторлар томонидан таклиф этилган мулоҳазалар ҳам инобатга олинди. Уларнинг баъзилари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга қаратилган шу каби ташкилий-техникавий тадбирлар айни кунларда ўз самарасини бермоқда . Агар реконструкцияга қадар заводда бир кунда 300 донага яқин шина ремонт қилинган бўлса эндилинда бу кўрсаткич 400 донадан кам бўлмаяпти. Қолаверса, ишнинг сифати ҳам тобора тубдан яхшиланиб бораяпти. Жойлардан келаётган рекламацияларнинг йўлига эса кескин тўсиқ қўйилмоқда. Цех ишчилари Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Улар бир овоздан 7 ноябрга қадар пландан ташқари 2000 дона шинани ремонт қилиб беришга аҳд қилишганди. Эндиликда ҳар бир ишчи бу маррани эгаллашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Айниқса Пўлат Расулев, Зоид Азизов, Усмон Муҳаммаджонов сингари ўз касбининг усталари бу борада қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Уларнинг шу кунларда смена давомида амалга ошираётган ишлари 120 процентдан кам бўлмаяпти.

— Буюк инқилоб шарофати туфайли мана шундай ёруғ кунларга эришдик, — дейди биз билан суҳбатда цехнинг илғор ишчиси Пўлат Расулов. — Бундай бахт йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак оз. Юбилейга муносиб совға тайёрлашни ҳар биримиз ўзимизнинг шон-шараф ишимизга айлантирганмиз. Шу боисдан ҳам қўйилган талабларни оғишмай амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларимизни ишга сафарбар этаяпмиз. Коллективимиз аъзолари ўртасидаги аҳиллик эришаётган муваффақиятларимизнинг бош омили бўлаётир. Менинг ўзим доимо резина ғопламани насбдошларимга ўз вақтида етказиб беряпман. Уларнинг бирортаси ишимга ҳали эътироз билдиришгани йўқ. Ҳар биримиз ўз ишимиздан мамнунмиз. Шундай самарали меҳнат қилишни гашти ўзгача бўларкан. Ҳозир шогирдларим ҳам ёнимда, мен билан бир сафда ишлашмоқда. Қурбон Саъдуллаев, Мавлон Шукуров сингари ёш-лар касб кўникмаларини мукаммал ўзлаштиришиб, мусобақа илғорлари сафида боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Графикдан ўзиб меҳнат қилаётган бундай илғор ишчилар шонли юбилейга қадар йиллик планни бажариш учун зарб-дорчасига ишлашмоқда. Уларнинг иш тажрибалари эса цех ва корхона ишчилари ўртасида кенг оммалаштириб борилмоқда. Мусобақа илғорлари партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан муносиб рағбатлантирилаётир.

И. ФАТТОҲОВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Пахтакорлар билан ёнма-ён

Теримчиларга концертлар

Тошкент область комсомол комитети ҳузурида тузилган агитбригада аъзолари эзгу сўзлар, қувноқ қўшиқлар, жозибали рақслар билан пахтакорлар кайфиятини кўтаришмоқда. Агитбригада маршрути Пскент, Чиноз, Янгийўл районлари бўйлаб ўтди. Бу ерларда Тошкент ва Чирчиқ, Оҳангарон ва Ғазалкент, Паркент ва Янгийўл шаҳарлари меҳнат коллективларининг вакилларидан иборат область комсомол отряди «оқ олтин» теримида деҳқонларга кўмаклашмоқда.

Хўжаликларнинг дала шийпонлари тушлик танаффус пайтида спектакллардан парчалар, сатирик миниатюралар, концерт программалари ижро этилувчи саҳнага айланади. Ҳар куни янги-янги коллективлар билан учрашувлар ўтказилади. Ўзбекистон Давлат филармониясининг сиёсий қўшиқлар ансамбли, И. Хўжаев раҳбарлигидаги пантомима театри, Ҳ. Олимжон номидаги маданият уйининг вокал-чолғу ансамбли, «Ёш гвардия» театрининг афишаларида «оқ олтин» йиғим-терими тимсоли бўлган пахта чаноғи акс эттирилган. Тошкент мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам ўзларининг бадиий программалари билан пахтакорлар ҳузурига йўл олишмоқда.

— Агитбригада Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ва ВЛКСМнинг 69 йиллигига бағишлаб махсус программа тайёрламоқда, — дейди Тошкент область комсомол комитетининг секретари С. Корниенко. — Программага мамлакатимиз халқларининг куй ва қўшиқлари, рақслари киритилади. Концерт томошаларидан ташқари, пахтакорлар учун Ўзбекистон кинематографчилари томонидан яратилган фильмлар кўриги ва муҳокамаси ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

МАОРИФЧИЛАР ҲИММАТИ

Айни кунларда боғбон соҳибкорларимиз эл дастурхонига кўпроқ маҳсулот етказиб бериш йўлида тинмай меҳнат қилишяпти. Областимизнинг қайси бир хўжалигида бўлманг, ноз-неъмат бунёдкорларига яқиндан кўмаклашаётган ҳашарчиларни учратасиз.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг далаларида ҳам иш авжида. Хўжалик деҳқонлари қалб қўри билан етиштирган мўл ҳосилни несибобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Мўл ҳосилни йиғиштиришга пойтахтимизнинг Собир Раҳимов район маориф бўлими хизматчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар узум, олма ва бошқа она ер саховатини теришяпти.

106-болалар боғчаси тарбиячиси Марғуба Азимова, 478-болалар боғчасидан Ира Томашевская, Манзура Тошмуҳамедова, 395-болалар боғчасидан Гуля Йўлдошева, Маъмура Холқўзиева сингари олов қалб ёшлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса адо этиб, 450—500 килограмм узум териб бошқаларга намуна бўлишмоқда.

ВЕТЕРАН ИБРАТИ

Қайта қуриш ва жадаллаштириш янгиликларни ишлаб чиқаришга дадил тадбиқ этишни тақозо этади. Ҳар қандай қотиб қолган услуб ва одатларни йўқотиш, қайта қуриш учун курашиш, фидойилик кўрсатиш меҳнат ветеранлари, коммунистларнинг бурчидир.

Николай Ли ана шундай фидойи кишилардан биридир. У 1953 йилдан буён электр пайвандчи бўлиб ишламоқда. Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда минглаб оддий касб эгалари қатори у ҳам садоқат билан меҳнат қилди.

Ўша пайтда тажрибали бинокор усталар жуда керак эди. Николай Ли ўз ишига виждонан ёндошди. Шунинг учунми, у тез орада коллектив ўртасида обрў қозонди. У ишлаётган Асқар Шофайзиев бошчилигидаги бригада 11-«Висотстрой» трестига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасининг энг илғор коллективларидан ҳисобланади. Н. Ли сингари ҳалол, виждонан меҳнат қилаётган бинокорлар бу ерда кўпчилик.

Ҳозир коллектив Энгельс кўчасида 16 қаватли 128 квартирали турар жой бинosини бунёд этмоқда. Бино лойиҳасини «Ташгипрогор» институти архитекторлари тайёрлаган.

Коммунистик меҳнат зарбдори беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаряпти. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни шараф билан адо этаяпти.

Д. ОБЛАЕВ.



СУРАТДА: коммунист, меҳнат ветерани Н. Ли шогирди В. Чуфестов билан.

Автор фотоси.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ХАРТУМ. Судан пойтахтида Эрон-Ироқ урушини тўхтатиш учун арабларо халқ конгресси ниҳоясига етди. Унда 16 мамлакатдан келган сиёсий партиялар ва идеологик оқимларнинг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, парламентларнинг аъзолари, фан ва маданият арбоблари, юристлар, шунингдек Фаластин озодлик ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Конгресс қабул қилган якуновчи ахборотда Форс кўрфази районидаги барча давлатлар ҳавфсизлиги ва барқарорлигига, Эрон—Ироқ можароси бутун дунёда тинчликка жиддий хавф солаётгани таъкидланади. Ҳужжатда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни ва мухолифлик қилувчи томонлар ўртасида тинч музокаралар ўтказишни талаб қилувчи 598-резолюциясини дарҳол бажариш талаб этилади. Конгресс араб мамлакатлари ва дунёдаги бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ҳамда жамоатчилигини регионда тинчликка эришиш учун курашда сафларни жипслаштириб, регион халқлари ишига империалистлар ва сионистлар аралашуви йўлига ғов солишга даъват этди.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош ассамблеясининг делегатлари барча ҳукуматларга мурожаат қилиб 1987 йилда эълон қилинган бошпанасизларни уй билан таъминлаш йилини ана шу соҳада умумий ҳаракатлар бошланган йилга айлантиришга даъват этдилар. Делегатлар Бош ассамблеянинг 42-сессиясида БМТ бош секретари Перес де Куэльярнинг йил якуни ҳақидаги ҳисоботини муҳокама қилиш чоғида уй-жой етишмаслиги проблемаси қашшоқ мамлакатларда ҳам, шунингдек ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам тааллуқли жаҳон шумул проблемага айланганлигини таъкидладилар. Делегатлар келишиб олинган, қатъий ва кенг кўламли тадбирларсиз бошпанасизлар ва ёмон уй-жой шароити проблемасини тугатиб бўлмаслигини уқтириб, БМТ ишлаб чиққан 2000 йилгача уй-жой соҳасига оид улкан стратегияни ва бу стратегияни амалга ошириш планини қўллаб-қувватладилар.

ПАРИЖ. «Ишдан бўшатишга йўл қўймаймиз», «Иш ташлаш ҳуқуқини ҳимоя қиламиз», «Адолат тиклансин», «Профсоюз активларидан суд йўли билан ўч олишга йўл қўймаймиз» — ана шундай шиорлар остида Парижда кўп минг кишилик намойиш бўлди. Уни Франциянинг энг йирик касаба союз бирлашмаси — Умуммеҳнат конфедерацияси даъватига мувофиқ Париж яқинидаги Блонь—Бийанкур шаҳрида давлатга қарашли «Рено» автомобилсозлик компанияси заводидан Франция Компартияси ва Умуммеҳнат конфедерациясининг ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ўн нафар активларини таъкидлаган. Умуммеҳнат конфедерацияси раҳбари Войцех Ярузельский қайд этди. Мунозара вақтида сўзга чиққан кишилар сўнгги йиллардаги энг қийин даврда майда корхоналар бозор талаблари ўзгаришини жуда тез ҳисобга олиш қобилиятини кўрсатганларини таъкидладилар. Улар ҳозирги ишончсизлик шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мустақиллик ва территориал ўз-ўзини бошқаришни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароит яратади.

НЬЮ-ЙОРК. Америкнинг Расселл шаҳри (Айова штати) районида юз берган катта темир йўл аварси натижасида юздан ортиқ киши жароҳатланди. «Амрак» компаниясига қарашли пассажир поезди темир йўл кўтарма кранига тўқнашиб кетди. Натижада ҳар икки локомотив ва ўн тўрт вагондан ўн биттаси издан чиқиб кетди. Авария содир бўлган жойга санитария машиналари ва вертолётлар юборилди.

ОСЛО. Норвегиянинг шимолидаги Тромс вилоятида кучли бўрон турди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Тромс шаҳри гавандда турган кўп кемалар ва қайиқларни шамол денгизга суриб кетди. Бу ердаги кўп сонли ороллари бир-бири билан боғловчи кўприкларда ҳаракат маълум вақтгача тўхтатиб қўйилди. Шамол тезлиги баъзан шу даражага етдики, у автомобилни ағдариб, денгизга улоқтириб юборишн мумкин эди. Маҳаллий маъмурлар кўлда бўрон етказган зарарнинг ҳақиқий ҳажмини кўрсатувчи маълумотлар йўқ. Баъзи кемалар чўкиб кетди, деб тахмин қилинмоқда. жабрланганлар ҳақида хабар берилмайди.

ЭНГ СЕМИЗ ОДАМ

НЬЮ-ЙОРК. «Ортиқча чидаб бўлмайди», — деди Уолтер Хадсон ва паррозга ўтди. Врачлар кўрсатмасини аниқ бажариш ажойиб натижа беради — уч ҳафта давомида у кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас — роса 94 килограмм озди. Шунга қарамай Нью-Йорк штатидаги Хемпстед шаҳрида яшовчи 42 яшар бу киши ер юзидаги энг оғир вазили одам ҳисобланмоқда. Ҳозирги пайтда унинг вазни 450 килограмм бўлиб «Гиннес китоби»да» расмий равишда қайд этилган «Жаҳон рекорди»дан 45 килограмм кўпдир.

Дастлабки муваффақиятлардан руҳланган Хадсон келгусида вазнини 86 килограммга етказишга қатъий аҳд қилганига қарамай, у ҳамон кўп йиллар давомида биринчи марта ўз хонасидан ташқарига чиқиб, медицина клиникасига бориши учун эшикка сиғмаяпти, чунки унинг бели айланаси 2,6 метрга тенгдир. Бундан уч ҳафта муқаддам хонадан чиқишга навбатдаги уриниш чоғида эшикка қисилиб қолди, Уолтерни ажратиб олиш учун қариндошлари қутқарувчиларни чақиришга мажбур бўлдилар. Уолтер Хадсон 27 йилдан буён аслида ўрнидан турмайди, телевизор олдида ва жаз композицияларини тинглаш билан вақт ўтказади. Бу улкан одамга ҳамхўрлик қилишни, Уолтернинг жияни Варвара ўз зиммасига олган, у тогаси парҳезига қатъий риоя этишини кузатиб турибди.

Илгари Хадсон ҳар куни жуда кўп овқат ер эди, фақат нонуштанинг ўзида тўрт-та бифштексни туширибгина катта шишадаги содали сувни ичар эди. Энди эса овқатдан ўзини тиймоқда. нонуштага нок, олма ва банан кифоя, тушликка салат истеъмол қилади, кечки овқатга эса бўғда пиширилган сабзавот ва бир бўлак балиқ ёки товуқ гўшти ейди.

Калейдоскоп

БЕДОР ИЗҚУВАР

Йозеф Хайкамп мана ўн етти йилдан бери уйқу нима эканлигини билмайди. Унинг асли касби металлург. Хайкамп ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида уйқусизлик хасталигига дучор бўлган экан.

Ана шу воқеа содир бўлгандан бери уни ҳар куни кечқурун Кельн шаҳрининг қоронғи кўчаларида ва тор кўчаларида учратиш мумкин. Ҳар дойм у Хассо исмли овчарка ити билан сайр қилади. Шаҳар полициячилари И. Хайкампга изқувар деб ном қўйишган. Гап шундаки, у ўн етти йил мобайнидаги тунги саёҳатлари вақтида ўғирланган 362 автомобиль ва 90 мотоциклнинг қаерда турганлигини аниқлаб бу ҳақда тартиб посбонларига маълум қилган.

НЕССИНИ ЯНА ИЗЛАШМОҚДА

Афсонавий «Лох-несс махлуқи»ни излаш бўйича асосий жараёнлар босқичи тугаганидан бир кун ўтгач тадқиқотчилар Шотландиядаги кўлнинг тубида қандайдир йирик мавжудот яшаётганлигини тасдиқловчи далилларни кўлга киритдилар.

Сўнгги маълумотларга қараганда сонар билан жиҳозланган катерлардан бири кўлнинг жанубий қисмида, қарийб 170 метр чуқурликда «одатдан ташқари кучли контакт»ни қайд этган. Аммо ана шу ернинг ўзидан яна бошқа ўтилганда «объект»нинг жойини аниқлаш имкони бўлмаган. Бу объектнинг ҳаракат қилаётганлигини исботлайди. «Дип скэн» операцияси қатнашчиларидан бири Гай Пирснинг фикрига қараганда бу баёнотига қараганда жуда балиққа ўхшаган жуда катта мавжудот бўлиши мумкин.

«Оқшом»га хатлар

№ 12 (122)

Янгича анъаналар—ҳаётимиз кўрки

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорларида турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, кишиларнинг қаерда ишлашидан, қаерда яшашидан қатъий назар ҳар бирининг ақли ва қалбига таъсир кўрсатиш масалаларига катта эътибор бериш кераклиги айтилган.

Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда, янги социалистик анъаналар ва урф-одатларни ҳаётга жорий этишда маҳалла комитетлари ташкил этаётган лекция-суҳбат, мунозара, савол-жавоб кечаларининг тарбиявий таъсири катталиги. Бундай тадбирларни ўтказишда маҳалламизда яшаётган олий маълумотли, марксча-ленинча дунёқарашни чуқур эгаллаган, турмушдаги воқеаларга янгича муносабатда бўлаётганларга ишонамиз. Ана шулардан бири республика «Билим» жамиятининг лектори Х. Шариповдир. Диний сарқитлар, бидъатлар ва эскича урф-одатлардан ҳали ҳам воз кечмаган баъзи қишилар билан кураш олиб боришни бурчи деб биладиган Ҳамидулла ака клубдаги йиғинларда, тўй ва маросимларда содда кишиларга диний маросимларнинг келтирадиган зарарини ишонарли фактлар билан тушунтириб беради.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Собир Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасига жойлашган Қумлоқ чойхонаси Ривож ва Крупская номли маҳалла аҳолисининг севимли жойига айланиб қолган. Бу ерда турли оммавий-сиёсий ишлар олиб борилади. «Илмий атеистик тарбия ва соғлиқни сақлаш» мавзусида бўлиб ўтган савол-жавоб кечаси икки маҳалла аҳолисида катта таассурот қолдирди. Кечада Тошкент политехника институтининг доценти, атеист олим Хушбоқ Раҳимов «Диннинг реакцион моҳияти», республика илмий атеизм уйи катта методисти Абдурашид Абдуллаев «Янги урф-одат ва маросимлар — ҳаётга», врач А. В. Воробева «Сил касалликлари ва унинг олдини олиш ҳақида», 15-амбулаториянинг тажрибали врачи М. К. Ашурметова «Меҳнаткашларга медицина ёрдами кўрсатишни яхшилаш» каби мавзуларда лекция ўқидилар. Шунингдек врачлардан А. Каримов, С. Сайдалиев кеча иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Қизиқарли ўтган кеча охирида Собир Раҳимов район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари иштирокида концерт берилди.

Ўтказилган бундай тадбирлар яхши самара бермоқда.

Ў. МАННОНОВ,
Собир Раҳимов районидаги Крупская номли маҳалла комитети раиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ҲИММАТ

— Иссиқ қон, иссиқ қон шу топда керак.

Шундай деганча врач югуриб операция хонасига кириб кетди. Самариддин аканинг ранги қув ўчди. Кўзидаги умид ва нажоткор қарашлар ўрнини қандайдир қўрқув дахшати қопларди. Бир зумда пайдо бўлган ички титроқ билан муздек зинага ўтириб қолди.

Уч кундирки, унинг ўғли ўлим билан олишади. Айни кучга тўлиб қирчиллама йигит бўлган чоғида падар лаънати бу дард қаёқдан пайдо бўлди.

Ота кўчага чопди. Дуч келган одамидан қон сўради. Унинг телбаларча ҳаракатидан биров кулимсиради, Биров ҳолига ачинди. Бекатда турган норғул йигит Самариддин акага яқинлашди.

— Менинг қоним тўртинчи группа. Агар керак бўлса...

Ота излагани шу эди. Айни муддао. Йигит Самариддин ака орқасидан касалхонага келди. У исталганча қон беришга тайёр эди. Врачлар нотаниш йигитдан олинган қонни дарҳол беморга қуйишди. Кейин яна олишди. Устма-уст қуйилган қондан бемор кўзини очди. Бироз бўлсада ўғлининг дарди енгиллашганидан хурсанд ота олийҳиммат йигит қаршисига чопди. Унга миннатдорчилик билдирганича қўлига пул тутқазди.

— Пул керак эмас. Ишқилиб ўғлингиз тузалиб кетса бўлгани.

Йигит пулни отанинг чўнтагига солиб қўйди. Кейин гап орасида у аллақайси қурилиш ташкилотида қурувчи бўлиб ишлашини айтди. Эртасига у яна касалхонага келиб ўша беморни сўради. Яна қон берди.

Самариддин ака ўша тунда Чимкентда яшовчи қариндош-уруғлари ҳузурига йўл олди. Уларни йиғиб касалхонага келди. Қон группаси тўғри келган қариндошлар беморга қон беришди. Уч кундан кейин йигит ҳушига келди.

Ақли-ҳуши ўзига келган Самариддин ака бирдан ўша олийҳиммат йигитни эслаб қолди. Бироқ унда ҳеч қандай адрес йўқ эди. Ўғлининг нажоткорини истаб қурилиш ташкилотларига борди. Бироқ уни топа олмади.

— Аттанг, — дейди Самариддин ака бошига уриб. — Ҳеч бўлмаса унинг иш жойини ёзиб олмабман. Барибир топаман. Қидираман. У менинг учун ўғил, ўғлим учун эса ака бўлиб қолади. Топмасдан қўймайман.

Бу воқеани 3-шаҳар касалхонасида ётганимда Самариддин акадан эшитдим. Ўша куни унинг ўғли шифо топиб касалхонадан уйига кетаётган экан.

М. КОМИЛЖОНОВ.

ЭЪЗОЗ

Йўлдош ака кучли шамолдан узилиб кетган троллейбус симини зудлик билан улатиш мақсадида аварияни қайта тикловчи Солиҳ Дадабоев бригадасига маълум қилди. Ўзи содир бўлган кўнгилсиз ҳодисани бартараф этиш ва 1, 4, 21-троллейбуслар ҳаракатининг йўлга қўйилиши ҳақида рация ва телефон орқали тез-тез маълумот олиб турди. Зум ўтмай авария тикланди. Троллейбуслар ўз маршрутлари бўйлаб юра бошлади.

Коммунист Й. Орипов салкам 40 йилдан бери ҳаракат ҳизматида сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. У ҳайдовчи, диспетчер, хавфсизлик ҳаракати ревизори бўлиб ишламасин ҳамшаҳарларининг электр транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида меҳнат қилмоқда.

Ишбилармон диспетчер Йўлдош ака трамвайчилар орасида тарбияланди ва билимини такомиллаштирди. Отаси Азимжон Орипов 35 йил трамвайни авариясиз бошқарди. У 6 миллиондан зиёд аҳолига намунали хизмат кўрсатган моҳир ҳайдовчидир. Онаси Шукуринисо Турсунова, опаси Ҳабиба Турсунова, рафиқаси Халима Закиевалар шаҳар электр транспортини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ветеранлардир. Улар ҳозир қарилик гаштини суришяпти.

Бир вақтлар Ш. Шоакбаров, М. Бобожоновдан ҳайдовчилик ва диспетчерлик ҳунарини ўрганган Йўлдош аканинг 25 шогирди— М. Хожиматов, М. Галимов, Ф. Абдуллажонова, И. Луцкая, Р. Исроилова илғорлар сафида танилдилар.

Диспетчерлик— шарафли ва нозик касб. Ўта билимдонлик билан шу касбга меҳр қўйган инсон эъзозланади. Буни яхши ҳис этган Йўлдош ака Орипов ҳамшаҳарларга трамвай ва троллейбус хизматини яхшилаш жараёнида бор куч ва ғайратини тинмай сарфламоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ, штатсиз мухбиримиз.

Ишчиларга қулайлик



Бадиий буюмлар фабрикасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги ишдан сўнг бозорга бориб овқат тайёрлаш учун ҳар хил харажатларни қилишлари керак. Уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида корхона маъмурияти фабрика ёнида Тошкент районига қарашли «Тошкент» совхозининг сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган фирма магазинини ишга туширди. Савдо шохобчаси учта бўлимдан иборат бўлиб, сабзавот ва мевалар, ҳар хил шарбатлар ва ранг-баранг гуллар билан савдо қилади.

— Бундай фирма магазинининг фабрикамиз ёнида очилганлиги айни муддао бўлди, — дейди корхона ишчиси А. Салимова, —ишдан қайтаётганда ёки тушлик вақтидаги бўш соатимизда магазинга кириб рўзғоримиз учун керакли маҳсулотларни харид қиламиз..

Савдонинг бундай қулай усулини шаҳримиздаги бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам йўлга қўйиш ишчи ва хизматчиларнинг қимматли вақтларини тежашда қўл келади. Бу янги фирма магазинида харидорларга комсомол-ёшлар бригадаси хизмат кўрсатмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: фирма магазинининг ташқи кўриниши.

Автор фотолари.

Куюнчаклик билан ёзилган

КИМНИ ЧАЛКАШТИРИШЯПТИ?

Баён этмоқчи бўлган мулоҳазаларимни «Тошкент оқшоми» газетасининг 1987 йил 8 август сонида босилган қуйидаги сатрлар билан бошламоқчиман: «Тошкентни шарҳона шаҳарга айлантириш бўйича бир комиссия тузилса-ю, шаҳар бинолариданг тортиб, кўча, майдон, бекатлар номларигача яхшилаб ўрганилса. Тошкент, авваламбор, тарихий шаҳар. Номлар ҳам, кўчаҳабоблар ҳам шунга муносиб бўлмоғи лозим. Масалан, «Урда» бекатини «Аиқор соҳили» деб ўзгартиришнинг ҳеч ҳожати йўқ эди. Ваҳоланки, ўзгартиришга муҳтож кўчалар шаҳарда жуда кўп.

Дарҳақиқат шаҳримизда ўзгартишга муҳтож кўчалар, массивлар, уйлар номерларни жуда кўп. Масалан, биз истиқомат қилаётган «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивини олинг. Бу массивнинг илгарги номи «Гўзал» деб юритилар эди. Кейин «Ғалабанинг 40 йиллиги» деб ўзгартирилди. Ваҳоланки, худди шу номдаги массив мавжуд эди. Майли, бизнинг массив «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивига қўшиб бир-бирларининг уйларига боришдан денг. Лекин уйларнинг номерини тартиб билан қўйиб чиқилса бўлардику, лекин ундай қилинмади. Натижада бир ном билан аталувчи хоҳлайдилар, «адашган» газета-журналларни ҳар куни бориб олиб келишга уларнинг вақтлари йўқ.

Бу ерда ҳақли савол туғилади: шу массивнинг номини ўзгартиришда, уйларга номер белгилашда мутасадди ўртоқларнинг диққат-эътиборн қаерда эди!

М. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

Газетхон мақтайди...

Турли мавзуларда

Чилонзор районига қарашли «3-Чарх-Камолон» маҳалласида 570 хонадон истиқомат қилади. Унинг марказида чойхона, сартарошхона, магазин, кутубхона, новвойхона, маданий-оқартув уйи жойлашган. Унда музика, ашула ҳамда дончишчикиш тўгараклари ишлаб турибди.

Ҳар чоршанба куни маҳаллада турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади. Бу суҳбатлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига, қайта қуриш, жадаллаштириш мавзуларига, халқаро аҳволга бағишланмоқда.

Т. ПИРМАТОВ,
Чилонзор район ветеранлар советининг аъзоси.

Бошланди-ю, ташланди

Фотоайбнома







«Марказ — 17, 18» квартал аҳолиси учун қаровсиз аҳволга тушиб қолди. Бу ерда бетондан ирригация шохобчаларини ўрнатиш мақсадида йўлкалар қазилди. У ер, бу ерга сиз суратда кўриб тургандек пала-партиш қилиб бетон ариқлар ҳам ётқизилди. Аммо иш ниҳоясига етказилмади. Бу ҳақда ана шу кварталдаги 37-уйнинг 21-квартирасида истиқомат қилувчи маҳалла комитети раиси Р. Қодиров шундай дейди:

— Ирригация шахобчасини қуриш ишларини бошланганига бир неча ой бўлди. Аммо Собир Раҳимов район ирригация бўлими [бошлиғи С. Раҳмонов] айби билан чала ташланган ҳолда ётибди. Кичкинтойлар бетон атрофида ўйнашади. Умуман қарнялар ва ёш болалар учун бу чала ташланган иш хавф туғдирмоқда.

Умуман квартал бўйлаб айлансангиз, кўпчилик ерда бошланган ишлар ниҳоясига етказилмасдан қолдирилиб кетилганлигининг шоҳиди бўласиз. Яна бунинг устига 35-уй олдидаги бетон сингёғи узилиб тушган. Унн бартараф этиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Йўл ва йўлкалар бир неча йилдан бери ремонт қилинмаган, ўнқир-чўнқир.

Х. ШОДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: кварталдаги кўримсиз манзаралар.

Автор фотолари.

...таклиф этади

Шифохонани кенгайтириш лозим

Ишчилар шаҳарчасида 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Яқинда бу ерда 21-амбулатория биноси фойдаланишга топширилди. Бундан аҳоли миннатдор. Аммо яқин атрофда болаларга хизмат кўрсатадиган медицина муассасаси йўқлиги кўпчиликни ташвишлантирмоқда.

Юнусободдаги 5-болалар амбулаториясининг Уста Ширин кўчасида филиали бор. Унда икки шифокор ва икки ҳамшира ишлайди. Агар филиалда тиш, бурун, қулоқ ва бошқа органларни даволайдиган врачлар ҳам бўлса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бекат яқинида эмас

Шаҳримизда газета-журналлар билан савдо қиладиган 400 га яқин киоскалар бор. Аммо негадир уларнинг айримлари аҳоли гавжум бўладиган бекатлардан олисда жойлашган. Навоий кўчасидаги Ўрда бекати, Пушкин кўчасидаги Асака бекати атрофидаги киоскалар шулар жумласидан. Агар «Союзпечать» киоскалари бекатларга яқин жойлаштирилса йўловчиларга ҳам қулай бўларди, киоскаларнинг товар оборотн кўпаяди.

А. НАБИХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, пенсионер.

Автобус ҳангомаси

Луқма

— Жилла қурмаса, сиз йўлга чиқинг! — дедик бекатга келиб тўхтаган 06—35 ТНМ номерли 91-автобуснинг қора кўзойнак таққан шофёрига.

— Марҳамат, солярка тошиб берсангиз, жўнайверамиз! — қўлларини икки тарафга ёйди у.

— Ахир, соат роппа-роса тўққиздан бери турибмиз! Дастлаб автобус битта эди, мана, энди тўртта бўлди. Вақт тўққиз ярим бўляпти, ишга кечикяпмиз. Наҳотки, сменгонтангизда ҳам солярка йўқ?!

— Бошқаларини билмадим-у, менда ёнилғи йўқ!— чўрт кесди шофёр.

— Бу ҳолда шикоят қилишга мажбурмиз.

— Э, осмон қўлларингда бўлса ташлаб юборинглар! Тушунтиринг айтдим-ку, солярка тамом бўлди деб...

Шофёр шундай дея қаёққадир ғойиб бўлди.

Диспетчерга кириб обинидда қилаётган эдик, шу орада яна бир автобус келиб қолди. Тоқатн тоқ бўлган, асаблари қақшаган юзлаб пассажирлар эшигини ёпишга улгурмаган автобусга зўрма-зўраки кириб олишди. Ана энди шофёрлар орасида тортишув бошланди. «Аввалгилар жўнасин», деб тўғри талаб қўйди энг кейин келган шофёр. «Аввалгилар» эса бир-бирига солишиб, яна анча вақтнн ўтказишди. Диспетчер аёл, «отанг яхши, онанг яхши — ҳаммасидан ўзинг яхши», деб 06—35 ТНМ номерли автобус шофёрини жўнашга зўрға кўндирди. Одамлар уриниб-суриниб яна бошқа автобусга чиқишди. Ниҳоят, сал аввал «соляркаси тугаган» автобус гурилдаб йўлга тушди.

Томошанинг қизиғи ана шундан кейин бошланди. Сўзи ерда қолган шофёр гоҳ бекатга етмай, гоҳ анча ўтиб тўхтар, тушадиганларнинг оёқлари ерга тегар-тегмас жўнаб қоларди. Бизга ўхшаб, ишга кечикаётганлар автобусга илиниб олиш учун галалашиб югуриб келишар, юзларига эшик қарсиллаб ёпилгач, ўпкаларн оғизларига тиқилиб, чанг тўзонда қолиб кетишарди. Бу ҳол кўзойнак таққан шофёр учун мароқли бўлса ҳам 16 сентябрь куни рўй берган бу ҳодиса аслида жуда ачинарли бир манзара эди.

Хўш, 06—35 ТНМ шофёри сингари истаган номаъқулчиликларни қилаётган тартиббузарларнинг мушугини «пишт» дейдиганлар бормн ўзи?!

Пассажирлар номидан:
А. АСИЛОВ,
хизматчи.

«Тошкент оқшоми»— 1988 йилда

«Партия турмуши» рубрикаси — газета ташкил топган кундан буён ёритилиб келаётган доимий рубрикамиздир. Бу рубрика остида берилаётган материалларда оқшомхонлар КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини шаҳар партия ташкилотлари, партия комитетлари қандай амалга ошираётганликлари, коммунистларни тўлқинлантираётган масалалар билан танишмоқдалар. Энг яхши иш тажрибаларидан ва партия ташкилотлари фаолиятидаги камчилик ҳамда нуқсонлардан воқиф бўлмоқдалар.

Янги, 1988 йил партия ташкилотлари ҳаётида янада муҳим, ғоят масъулиятли йил ҳисобланади. Негаки, янги йилда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси чақирилади. Унда КПСС XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотининг вазифалари, партия ва жамият турмушини янада демократиялаштиришга оид тадбирлар хусусида сўз боради.

Партия конференциясига тайёргарлик кўриш барча партия ташкилотлари учун жиддий имтиҳондир. Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари Бутуниттифоқ партия конференциясига ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада, партия сафларини янада жипслаштириш, партия билан халқ бирлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ижтимоий ўзгартиришлар жараёнини чуқурлаштириш шиори остида тайёргарлик кўрмоқдалар. Қолаверса, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори коммунистларни, энг аввало ёш коммунистларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, редакциянинг партия турмуши ва пропаганда бўлими Бутуниттифоқ партия конференциясига шаҳар партия ташкилотларида кўрилаётган тайёргарликнинг боришини кенг ёритишни режалаштирди.

Маълумки, ҳозирги капитализмнинг халққа қарши, инсон зотига қарши моҳиятини «ҳуқуқлар» ва «эркинликлар»ни ҳимоя қилувчи риёкорларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташловчи материаллар, империализм ва унга гумашталик қилаётганларнинг идеология соҳасидаги галамисликларини фош этувчи мақолалар, яъни синфий душманнинг қўпорувчиликдан иборат идеология фаолиятни, туҳмат ва бўҳтонларини фош этувчи мақолалар «Ҳужумкор пропаганда» рубрикаси остида бериб борилияпти. Бу рубрика янги йилда ҳам давом эттирилади. Шунингдек, эскилик сарқитларига, турли ирим-сиримларга, хурофотларга, айрим кишилар онгидаги қолоқликка қарши кураш, жойларда атеистик пропагандининг аҳволи, янги совет маросимларн жорий этиш борасида партия ташкилоти, коммунистларнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги, айрим қолоқ урф-одатлар ботқоғига ботган шахслар тўғрисидаги материаллар «Жанговар атеизм» рубрикаси остида бериб борилади. Айни пайтда «Тошкент комсомоли» рубрикаси остида ёшлар ўртасида олиб борилаётган кўп қиррали ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар ёритилади.

Янги йилдан бошлаб, «Партия турмуши ва қайта қуриш», «Коммунистнинг маънавий олами», «Партия турмуши: иш услуби ва методи», «Партия ўқуви — янги босқичда», «Коммунистлар аттестацияси: дастлабки сабоқлар», «Партия сафлари мустаҳкам бўлсин», «Қуйи партия ташкилотларида» сингари рубрикалар остида партия ташкилотларн ва комитетларининг қайта қуриш ва жадаллаштириш давридаги фаолиятининг форма ва методларини такомиллаштириш, ленинча иш услубини қарор топтириш, бу борадаги тажриба ва проблемаларни ёритишга кенг эътибор берилади. Айни пайтда «Коммунист ва беш йиллик», «Қудратимиз дўстликда», «Тарихнинг ўчмас саҳифалари» каби рубрикалар остида эса замондошларимиз, шонли революцион, жанговар, меҳнат анъаналарини давом эттираётганлар ҳақида очерк ва лавҳалар бериб борилади.

Азиз «Тошкент оқшоми» мухлислари! Юқоридаги масалаларни кенг ва чуқур ёритишда сизларнинг бизга йўллайдиган хатларингиз, орзу-истакларингиз, таклиф ва мулоҳазаларингиз ғоятда муҳим роль ўйнайди. Газета — миллионлар минбари. Шундай бўлгач, ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даври билан боғлиқ актуал, етилган муаммолар ҳақида хат-хабарларингизни кутамиз.

Ўзингиз истиқомат қилаётган, ишлаётган ёки ўқинётган жойингизда қайта қуриш қандай бораяпти, кимлар бунга ҳақиқий жонкуярлик кўрсатаяпти-ю кимлар эса бу ишда четда томошабин бўлиб турибди, ўз партия ёки комсомол ташкилотингиз ишларидан қаноатланяпсизми, қайта қуриш даврида ишда яна қандай янгилик ва ўзгаришлар бўлишини истар эдингиз? Ана шу сингари саволларга жавоб йўллаганингизда конверт устига «Тошкент оқшоми», партия турмуши ва пропаганда бўлимига» деб ёзишни унутманг.

Сизларнинг дил сўзларингиз, таклиф ва мулоҳазаларингиз газетамизнинг юқорида тилга олиб ўтилган масалаларни кенг ва чуқур ёритишига катта ёрдам беради, деган умиддамиз. Негаки, бундан буён партия турмуши ва пропаганда бўлими материалларини сизларнинг истак ва хоҳишларингиз, йўлланган хат-хабарларингиз асосида ранг-баранг ва қизиқарли, давримиз руҳига янада ҳамоҳанг тарзда ёритишни режалаштиряпмиз.

Партия турмуши ва пропаганда бўлими.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

Ҳаётга муҳаббат

Она уч ўғлини машаққатлар билан вояга етказиб, энди оғзи ошга етганда Улуғ Ватан урушн бошланиб қолди. Олдин катта ўғли, орадан бир йил ўтгач, кетма-кет икки ўғли жанг майдонига жўнаб кетишди. Она: «Ҳа майли, уч фарзандим баҳодирларден немис-фашистларга қирон келтириб соғ-омон қайтиб келсалар, шу менинг бахтим» деб, ўзига тасалли берди. Она юраги душманга нафратдан тошга айланган эди. Тожи бувн уч ўғлини узоқ кутди. Бошқа фарзанди йўқ. Кичиги уйланмаган, катта ва ўртанча ўғилларн бир вақтнинг ўзида уйланганларига эндигина икки йил бўлган эди, бирдан мудҳиш уруш...

Уч ака-ука Шимолий Кавказ фронти, 63-ўқчи полкида хизмат қилишаётганн ҳақида хатлар келиб турарди. Тожинисо бувнинг катта келини Назира хатларни ўқиб берарди. Катта ўғли коммунист Ортиқ, кичик ўғиллари Нурмон, Тоҳир Холмуҳамедовлар Тошкент шаҳар, Октябрь район чеккасидаги Киров номли сабзавотчилик ва боғдорчилик колхозн аъзолари эди. Нурмон колхоз чойхоначиси, Тоҳир сувчи, катта ака Ортиқ эса, колхоз боғларн боғбони эди. Ҳа, уч ака-ука табиатни жондилидан севишарди.

Дйёримизнинг оромгоҳ жойларн душмандан озод этилаётганда она уч ўғлидан кетма-кет уч «қора хат» олди. «Ғам ҳатто тошнням эритиб юборади» деганларн рост экан. Она ўзини қанча тутмасин «қора хат»ларга қарай-қарай кўз ёшларн тугаб, кўриш қобилиятини йўқотиб қўйди: кўр бўлиб қолди. Келинларн она атрофида парвона. «Йўқ, кшонмаймиз! Ўғилларингиз тирик, кутамиз!» дейишарди.

1943 йил. Жангнинг қизғин кезлари Ортиқ Холмуҳамедов хизмат қилаётган қисм Налчик шаҳрини душмандан озод этиб, янги йилни қўшни шаҳарда кутиб олишганди. Ниҳоят, жанг бошланиб, 3 январда Моздок газандаларидан тўла озод этилди. Навбатдаги жангда, шу шаҳар яқинидаги Мнивода қишлоғи олинишида Ортиқ Холмуҳамедов оғир яраланди. Уни Боку ҳарбий госпиталига келтиришди. Халоскор коммунист саккиз ярим ой даволанди. 1945 йилда учинчи группа инвалиди бўлиб Тошкентга қайтган О. Холмуҳамедов юборилган «қора хат»дан бехабар эди. Укаларн ҳақидаги муддиш хабарни эшитиб, қаттиқ қайғурди. Бунинг устига уни ўлдирга чиқаришганди.

Онаси Тожинисо бувн кўзларн кўролмаса ҳам ўғлининг овозини қайта-қайта эшитиб, чексиз қувонди. Назираннинг кутганлари зое кетмади.

Бешқайрағоч массивн «Иқтисод» маҳалласида етмиш еттинчи баҳорни кутиб олган, иккинчи группа инвалиди Ортиқ Холмуҳамедовлар оиласига ташриф буюрганимда, уруш ва меҳнат ветерани, коммунист Ортиқ ота шундай деди:

— Етти фарзандимнинг ҳаммаси бола-чақали. Невара-чевараларим олтмишга яқинлашиб қолди. Тинчлик шарофатидан ҳаммалари тўқ, қувноқ яшашмоқда. Бизлар кўрган уруш, муҳтожликни фарзандларимиз кўришмасин.

Ортиқ ота кўксини жасорат медаллари, «Қизил Юлдуз» ордени безаб турибди. У Акмал Икромов районидаги «Иқтисод» маҳалласининг энг обрўли кишиларидан...

Маҳалла идораси ҳовлисида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорлик қад кўтариб турибди. Ортиқ ота Холмуҳамедов уларнн хотирлаб, ёдгорлик пойига гуллар қўяди.

М. АҲМЕДОВ.

Ф. СП-1

Министерство связи СССР
«Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64690
(индекс издания)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Количество комплектов 1

на 1988 год по месяцам:
1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12

Куда
(почтовый индекс) (адрес)

Кому
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

ПВ | место | литер | на газету 64690 (индекс издания)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Стоимость | подписки | переадресовки | руб. коп. | Количество комплектов 1

на 1988 год по месяцам:
1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12

Куда
(почтовый индекс) (адрес)

Кому
(фамилия, инициалы)

«Тошкент оқшоми»га обуна баҳоси: бир йилга — 7 сўм 92 тийин, олти ойга — 3 сўм 96 тийин, 3 ойга — 1 сўм 98 тийин. Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Ушбу бланкни қирқиб олинг, бандларини тўлдирингда уни жамоатчи матбуот тарқатувчиларга ёки алоқа бўлимига топширсангиз обунангизни расмийлаштиришади.

Яхши дам олинг

АВИАСОЗЛАР САРОЙИДА

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият ва техника саройида ижтимоий-сиёсий билимлар халқ университети узоқ вақтдан бери ишлаб турибди. Унинг 16 октябрь куни соат 19 дан 30 минут ўтганда бўладиган машғулотида «КПСС XXVII съезди халқаро аҳвол тўғрисида» мавзуида суҳбат тингланади. 1 октябрда бу ерда соат 15 да бўладиган «Диалог» ёшлар сиёсий клуби кўплаб мухлисларни чорлайди. Унда шу куннинг долзарб масалалари ва ёшлар ахлоқи ҳақида қизғин баҳс боради. Соат 15 дан 30 минут ўтганда бўладиган «Дивертисмент» ёшлар клуби йиғилишида сиз «Музика билан ошно бўлайлик» мавзуида суҳбат тинглайсиз. Шу куни соат 17 дан 30 минут ўтганда катта залда «Оила—турмуш маданияти» университетининг машғулоти ҳам қизиқарли бўлади. Бунинг учун «Давлатнинг ижтимоий сиёсати оила манфаатларини кўзлайди» мавзуида суҳбат тайёрланган.

Гагарин номидаги тўқимачилар маданият саройининг коллективи тўқимачиларнинг шанба ва якшанба куни мазмунли дам олишлари учун бир қатор қизиқарли тадбирларни ҳозирлади. 17 октябрь куни соат 15 да «Оптимист» театр студияси «Кулги ҳам, кўз ёшлари ҳам» қувноқ программасини кўрсатади. Бундан ташқари, маданият саройида филателистлар, филофонистлар сингари клублар кўплаб қизиқувчиларни ўз машғулотига тўплайди.

ИККИ АНСАМБЛ КОНЦЕРТИ

СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкентдаги ахборот-маданият марказининг концерт зали ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари одатдагидек гавжум бўлади. Чунки бу ерда ҳамшаҳарларимиз чет эл ва совет туристлари иштирокида маданий тадбирларни томоша қиладилар. Ахборот-маданият маркази меҳмонларни ўзбек совет санъатининг ютуқлари билан таништириш мақсадида етук санъат коллективларини бу ерга таклиф қилмоқда.

17 ва 18 октябрь кунлари соат 17.00 да «Баҳор» ва «Шодлик» ансамбларининг санъат усталари иштирокидаги концертлар томошабинларга завқ-шавқ беради.

Куни-кеча бу даргоҳда республика либослар моделлари уйи мутахассислари тайёрлаган замонавий ўзбек кийим-кечаклари кўриги бўлиб ўтди. Унда ўзбек ижодкор чеварларининг ўнлаб хил янги кийимлари турист меҳмонлар кўригидан ўтказилди.

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ»

«Ёш гвардия» театри коллективи таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясини саҳналаштириб, томошабинлар диққатига ҳавола этди. Пьеса навқирон театрда ҳам саҳна юзини кўрди. Премьерада Ўзбекистон ССР халқ артистлари Зайнаб Садриева, Ҳолида Хўжаева, Пўлат Сандқосимов, Тўйчи Орипов ва бошқалар комедиядаги бош ролларни ижро этиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

«Ёш гвардия» театри «Келинлар қўзғолони» спектаклини 21, 22, 24 октябрь кунлари томошабинлар диққатига ҳавола этади.

ЯНГИ МАРШРУТЛАР

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун янги туристик маршрутларни жорий этди. Улар «Шаҳрим оқшоми», «Тошкент телевизион минораси» деб аталади. Бу экскурсия ишқибозлари ҳар куни Ленинград кўчаси 19-уйда жойлашган бюрога келиб якка тартибда ёки уюшган ҳолда путёвкаларни сотиб олишлари мумкин.

Ҳар куни, айниқса шанба ва якшанба кунлари оқшом чоғида уюштириладиган бу маршрутларнинг ўзига хос файзи бор. Саёҳат ишқибозлари Тошкент телевизион минорасида бўлиб пойтахтимизнинг умумий манзарасини осмонўпар жойдан томоша қиладилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар, «Москва» меҳмонхонасида уюштириладиган зиёфатдан баҳраманд бўладилар. Бу ерда саёҳатчилар учун дискотека ташкил этилади. Путёвкаларнинг ҳар бирининг баҳоси 9 ва 10 сўм. Бунга транспорт, овқатланиш, экскурсия хизмати, дискотека томошаси ҳақи киради.

● Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси турли корхоналар ва муассасалар ишчи ва хизматчиларининг қадимий шаҳарлар бўйлаб сафарини уюштирди.

● 3-уйсозлик комбинатининг бинокорларидан бир группаси Қирғизистоннинг Талас водийсига йўл олди.

● Шаҳримиздаги 10-болалар поликлиникаси ва Тошкент телевизион минораси ходимлари Тожикистоннинг Ўратепа—Ленинобод шаҳарлари бўйлаб саёҳатга жўнаб кетишди.

● «Сергели» саноат совхозининг ишчилари Қашқадарё областидаги Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий обидалари билан танишиш ниятида эдилар. Уларнинг бу истаги бажо келтирилди.

● Сергели район алоқа узели ва Ўзбекистон «Спортлото» бошқармасининг ходимлари шанба ва якшанба кунлари пойтахт областидаги «Янгиобод» туристик базасида дам оладилар.

● «Ташгоршэвбит» ва «Ташремстрой» бирлашмалари ишчилари тушган автобуслар Фарғона вдийси шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқди.

● 6-курилиш трестининг бинокорлари йўлланмаларига «Наманган шаҳри» ёзилган. Локомотив депосининг ишчилари эса Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг бугунги ҳаёти билан танишадилар.

А. ПЎЛАТОВ.

Бу фильмни кўринг

«ДАҲШАТЛИ ВОҚЕА»



Картинада болалар — мактаб ўқувчилари, уларнинг ташвишн ва қувончлари ҳақида ҳикоя қилинади. Қаҳрамонимиз Глеб Бородаевнинг бошқалардан фарқ қиладиган ҳеч қандай фазилати йўқ. Бироқ, кутилмаганда у барчанинг диққат марказида бўлиб қолади: она тили ўқитувчиси ташаббусига биноан маънабда адабиёт тўгараги ташкил этилади ва Глеб унинг фахрий аъзоси бўлади, чунки йигитчанинг бобоси ёзувчи бўлган экан. Бородаев некчайиб кетади. Лекин бу узоққа чўзилмайди: синфга янги адабиёт ўқитувчиси келади ва тўгарак ўз-ўзидан ёпилади. Шу билан Глебнинг бобоси ҳақидаги гаплар аста-секин эсдан чиқа бошлайди. Қаҳрамонимизни синфдошлари яна «шалпангқулоқ» деб чақирадиган бўлишади. Бу албатта даҳшатли воқеа эди. Лекин энг даҳшатли воқеа олдинда эди...

Режиссёр Никита Хубовнинг мазкур картинаси ўзига хос шаклда ишланган. Унда каттлар ҳам ўрнан олишлари мумкин бўлган «ноёб фазилатлар» ва уларнинг вужудга келиш йўллари ҳақида фикр юритилади. Фильм сценарийсини ёзган болалар ёзувчиси Владимир Железников томошабинларга «Дала қўриқчиси» номли бадиий фильми орқали жуда яхши таниш. Мазкур картина нейинги йилларда болаларга бағишлаб яратилган энг яхши кино асари десак, хато бўлмайди.

Фильмни оператор Гасан Тутунов суратга олган. Рассом Евгений Штапенко. Ролларни (Алик Детюкин) Андрюша Козлов, (Глеб Бородаев) Толя Юртаев, (Наташа Кулагина) Вера Панасенкова, (Миронова) Лиза Плаксина, («Мурда») Алёша Дорофеев, (Ўқитувчи) Андрей Петровлар ижро этишган. М. Горький номидаги болалар ва ўсмирлар фильмлари Марказий студияси маҳсулоти.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТА ТЕАТРИДА — 16/X да ... монда, 17/X да Фауст.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/X да ... нисо, 17/X да Куёв.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... АТРИДА — 16/X да ... берган кўнгил, 17/X да ... ука совчилар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ТА... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/X да Келинлар қўзғо... 17/X да Майсаранинг ...

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРК... ДА — 16/X да Чехословакия... нинг «ПРАГА» цирки арт... ларининг томошалари (12...

Кино

16 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «... СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНА... (17, 20.30), «САНГАМ» ... 19.45).

Чайка — «ҲАҚИҚАТ, МУ... БАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (16, 18... 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «7... МОНТЕ-КРИСТО» (17, 20.00).

Москва — «ҚУЛФБУЗ... (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Ватан — «ПАРОМА» 18.30, 21.00)

Нукус — «БОББИ» (17, 20...

17 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «... СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНА... (11, 13, 17, 20.30), «САНГА... (12, 16, 19.45).

Чайка — «ҲАҚИҚАТ, МУ... ҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (... 13.20, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «7... МОНТЕ-КРИСТО» (11, 14, ... 20.00).

Москва — «ҚУЛФБУЗ... (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Ватан — «ПАРОМА» ... 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «БОББИ» (11, ... 17, 20.00).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВ...

ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-44, ... 21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-36.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йи... лиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-34-...
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 33-4... 52.

Шаҳар кинотеатрида хизм... кўрсатиш маданиятини ошир... тириш юзасидан тақдим ... истаклар билан Тошкент ... ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси ... 37-11 телефон номери бўйи... мурожаат қилинсин.

ИШГА МАРҲАМАТ!

газ-электр пайвандчиси, саноат вентиляцияси, ... таъминоти, сантехника ... боб-ускуналари ремонти ва монтажи бўйича слесарь-сантехниклар, инженер-сантехник, полиграфия асбоб-ускуналари инженер-механиги, вахтерлар

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй. Соат 14 дан 17.30 гача мурожаат қилинсин.

Уруш ва меҳнат ветеранларининг Ўзбекистон республика ва Тошкент шаҳар Советлари ветеранлар шўъбаси Совети раисининг ўринбосари Й. Б. Бобажонов ўғли

Тўлқин Йўлдошевич БОБАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри коллектив театр бўлими бошлиғи А. Абдураҳмоновга акаси

Сулаймон АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Киров райпишчеторги коллективи 35-магазин мудираси М. Рафиқовга укаси

Рустам МУСТАҚИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ!

6-«КЕЛИН-КУЁВЛАР»

АТЕЛЬЕСИ ОЧИЛДИ

Буюртмачиларга тўй кўйлаклари, сунъий гуллар, шляпа, костюмлар, шуниндек ҳар куни кийиб юриладиган буюмлар:

— ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИНГ КОСТЮМЛАРИ, МЎЙНАДАН ТИКИЛГАН БОШ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ателье — соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

Адрес: Тошкент шаҳри, Норхўжаев кўчаси, 164-уй (5, 26-трамвайлар; 22, 26, 37, 5, 68э, 80э, 81, 183-автобусларнинг «Қорасув канали» бекати).

В. И. Ленин номидаги «ТАШГОРШВЕЙБИТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ХУДДИ ЯНГИДЕК

ДЕЙСИЗ!

Агар сиз бизнинг янги кир ювиш корхонамизда бўлсангиз, албатта ана шундай дейсиз.

Сиз бу гапни фақат янги машиналар ўрнатилганлиги учунгина айтмайсиз. Гап шундаки, кийим-кечакларингизни ўзингиз тозалайсиз.

ЧУНКИ, КИРХОНА ЎЗ-

ЎЗИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг меҳнатингизни эса, ажойиб дазмоллаш автоматлари ҳарчанд енгиллаштиради!

Бизнинг адрес: Марказ-17, 18, 1-уй. Телефон 44-19-68; Чилонзор массиви, 20-квартал, 8-уй (50-автобуснинг «Автошкола» бекати).

Тошкент шаҳар ҳаммомлар ва кир ювиш хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

ГОСКОМТРУД УзССР

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ

Ташкилий равишда ишга юборади

— МОСКВА ШАҲРИДАГИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИГА;
— ХАРЬКОВ ПОДШИПНИК ЗАВОДИГА;

30 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар — ИЖЕВСК ШАҲРИДАГИ «ИЖМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА **ишга таклиф қилинади.**

ҚУРИЛИШ ИХТИСОСИДАГИ ЁЛҒИЗ ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР ВА БОШҚА КАСБ КИШИЛАРИ РСФСРДАГИ КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАРГА ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА **ЮБОРИЛАДИ:**

— «ДАЛЬМОРГИДРОСТРОЙ» ТРЕСТИГА, **Находка шаҳри,**

«Главвладивостокстрой»нинг 34-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА, **Уссурийск шаҳри;**

— «ПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИГА **Куйбишев шаҳри,**

— **«Главомскстрой»нинг** 6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА, **Омск шаҳри,**

«Востсибтрансстрой» трестининг 271-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИГА, **Иркутск шаҳри,**

— **Иркутск областининг** «ЛЕСОГОРОЛЕС» БИРЛАШМАСИГА;
— **Свердловск областининг** ОТРАДНОВСК ЎРМОНСАНОАТ ХЎЖАЛИГИГА,
— «УСТЮГЛЕС» БИРЛАШМАСИГА, **Великий Устюг шаҳри.**

ШАРТНОМА МУДДАТИ — 1-2 йил.

Ташкилий равишда ишга жўнаб кетувчиларга суткалик ҳақ, иш жойига етиб бориш ва қайтиш йўл ҳаражатлари тўланади, қайтариб олмаслик шарти билан ёрдам пули берилади.

Ташкилий равишда ишга борганлар қулай ва шинам ётоқхона ҳамда махсус кийим-бош билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва район ижроия комитетлари қошидаги район аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.

ОБУНА ВАРАҚАСИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ!

Обуна варақасида касса машинасининг муҳри бўлиши керак.

Обуна варақаси кассасиз машина билан расмийлаштирилганда абонементда алоқа бўлинмаси штемпели албатта бўлиши лозим. Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

Газета ёки журналга обуна ни расмийлаштириш, шу жумладан нашр етказиб бериладиган адресни ўзгартириш учун обуна варақаси «Союзпечать» каталогларида баён этилган шартларга мувофиқ сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзлар қисқартирилмасдан ва тушунарли қилиб тўлдирилади.

Нашр етказиб бериладиган адрес ўзгарганда ойлик чақмоқларни ёки «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликларининг ходимлари тўлғазадилар.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАНИЯТ САРОЙИДА

Биринчи марта

ЁШЛАР УЧУН МАХСУС **ВИДЕО-ДИСКОТЕКА**

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Студентлар шаҳарчасида тащкил этилган «Эволюция» дискотекасида сиз севимли ижрочиларни тинглашингиз, томоша қилишингиз ва энг асосийси рақс тушиб мазмунли ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.

«Эволюция» видео-дискотекасининг эшиклари сиз учун чоршанба, жума ва шанба кунлари соат 19.00 дан бошлаб очиқ.

ВИДЕО-ДИСКОТЕКАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«Средазтепломонтаж» трестининг

ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕПЛОИЗОЛЯЦИЯ БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ

АҲОЛИГА ЧАКАНА НАРХЛАР БЎЙИЧА **НАҚД ПУЛГА**

иссиқликни сақловчи материаллар: диаметри 57, 76 ва 89 миллиметр бўлган трубалар; ҳажми 1м×1,5м, бўлган минматларни изоляциялаш учун термоблоклар, суюқ шиша; диаметри 1 мм. бўлган рухланган симлар ва бошқа иссиқликни сақловчи материалларни

СОТАДИ

Корхона адреси: Тошкент шаҳри, 73-алоқа бўлими, Жарқўрғон кўчаси, 76«а» уй (15, 26, 102-автобусларнинг «Масложиркомбинат» бекати).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

8 ва 6 ойлик пулли

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар ҳафтада уч марта кечқурунлари ўтказилади.

ЎҚИШГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ КИШИЛАР ВА 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси. 1-уй, 433-хона.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ, ПАНСИОНАТЛАР, САНАТОРИЙЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МУЗИКА АНСАМБЛЛАРИ КОНЦЕРТ-ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ

коллектив бўлиб дам олиш кунлари, корхона илғорларини, меҳнат сулолаларини шарафлашга бағишланган кечалар, дам олиш кечалари, «огонёк»лар, Янги йил арчаси ва бошқа байрамларни ўтказиш юзасидан

заявкалар қабул қилади

Чунончи тўйлар, юбилейлар, тантаналарга ҳам хизмат кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-уй. Телефон: 33-46-90.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.

Иттифоқдош республикалар миллий таомлари ойлиги

ТОШКЕНТ ҚАДИМДАН ЎЗ МЕҲМОНДЎСТЛИГИ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНИБ КЕЛГАН. АЖОЙИБ ПАЛОВ, ХУШБЎЙ КАБОБ, ТОТЛИ ШЎРВА БИЛАН ТЎКИН ЎЗБЕК ДАСТУРХОНИ БУНИНГ ИСБОТИДИР.

БОШҚА РЕСПУБЛИКАЛАРДА МЕҲМОНЛАРНИ ҚАНДАЙ ШИРИНЛИКЛАР, ТАОМЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШАДИ?

10 НОЯБРГАЧА ЎТАДИГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ОЙЛИГИДА

СИЗ ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН. ҚУЙИДАГИ РЕСТОРАНЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ:

«ЗАРАФШОН» (К. Маркс ва Киров кўчаларининг бурчаги); «ТОШКЕНТ» (Ленин кўчаси, 56-уй), «ШОДЛИК» (Пахтакор кўчаси, 5-уй) РЕСТОРАНЛАРИДА — **ўзбек миллий таомлари;**

«БАҲОР» РЕСТОРАНИДА (Куйбишев кўчаси, 8-уй) —**қирғиз, туркман миллий таомлари;**

«ДЎСТЛИК» РЕСТОРАНИДА (Навоий ва Энгельс кўчалари бурчаги) — **украин, белорус миллий таомлари;**

«ЛЕНИНГРАД» РЕСТОРАНИДА (У. Юсупов кўчаси, 5-уй) —**арман, грузин миллий таомлари;**

«РОССИЯ» РЕСТОРАНИДА (Саперлар майдони) — **рус миллий таомлари;**

«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИДА (Новоузбекистанская кўчаси) — **молдаван миллий таомлари;**

«ЧИЛОНЗОР» РЕСТОРАНИДА (Чилонзор кўчаси)— **озарбайжон миллий таомлари;**

«ДРУЖБА» КАФЕСИДА (Октябрь инқилоби хиёбони) — **латиш, литва ва эстон миллий таомлари тайёрланади.**

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Камалак ранги ҳам хиралашади...

ЁРҚИНЛИГИ, БЎЁҚЛАРИНИНГ ТИНИҚЛИГИ ЖИҲАТИДАН ҲОНАТЛАС ВА БЕҚАСАМГА БИРОРТА БОШҚА ГАЗЛАМА ТЕНГЛАШОЛМАЙДИ. БУ ГАЗЛАМАЛАРДАН ТИКИЛГАН ЗАМОНАВИЙ КЎЙЛАКЛАР, КОСТЮМ АНСАМБЛЛАРИ ЧИРОЙЛИ ВА ЎЗИГА ХОСДИР.

Хонатласдан тикилган миллий кўйлаклар, беқасамдан тикилган чопонлар катталарга ҳам, ёшларга ҳам ярашади.

НАМАНГАН АВРЛИ ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИ ЭНСИЗ ИЎЛ-ЙЎЛ БЕҚАСАМНИ КЕНГ КЎЛАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.



Газламанинг эни 80 см. Баҳоси — 1 сўм 60 тийин ва 4 сўм 50 тийин.

Хонатлас турли-туман гулли ва рангли, эни 52 сантиметрдан 80 сантиметргача. Баҳоси — 6 сўм 80 тийиндан 17 сўмгача.

Хонатлас ва беқасам фирмали магазинларда, универмагларда, газлама магазинларида сотилади.

НАМАНГАН АВРЛИ ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИ.

Уй бекаларига тавсия этамиз

«ЛОТОС» билан ювилган кир яхши очилади, осон чайилади, уни синькалаш шарт эмас.

«ЛОТОС» ёш уй бекаларига ҳам қўл келади.



«ВНИИхимпроект».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-55; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. 09091. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2488. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.